

Qishloq hayoti

Кишлoқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016 йил Солом она ва бола йили

2016-YIL 18-FEVRAL, PAYSHANBA, 21 (8572)-son

1974-yil 1-yarvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

«ВАТАНГА ХИЗМАТ ШАРАФДИР, БОЛАМ!»



Окил ФУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ



ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон хукуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Маълумки, 2015 йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеаларга бой йил бўлиб, тарих зарварақларидан жой олди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови энг муҳим сиёсий воқеа бўлди. Мазкур сайлов инсон, унинг хукуқлари, эркинликлари ва манбаатлари олий қадрият ҳисобланган очик, хукуқий, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиши ўйлида жамиятимизнинг янада жипслашганлигидан далолат берди.

Шунингдек, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишдаги конституциявий хукуқи ҳамда сайлов тўғрисидаги миллий конунчилик хукуқатлariга ва халқaro хукуқнинг умумъетirof этилган демократик принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтган очик, ошкора ва муқобил сайловлар чоғида фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш хукуқи яна бир бор тўлиқ намоён бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

БОЖХОНА КОДЕКСИ ЯНГИ ТАҲРИРДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 21 АПРЕЛИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА КОДЕКСИННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ КУЧГА КИРАДИ

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган мазкур кодекснинг янги таҳрири замон талаблари дараҷасида ишлаб чиқилган бўлиб, унга киритилган янги нормалар соҳага оид муносабатларни аниқлаштириш ва тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунидан ташқари, соҳага оид 350 дан ортиқ қонуности хужжатлари қабул қилинган. Шунингдек, божхона конунчилигини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига 16 маротаба, “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунига 14 маротаба ўзgartиш ва кўшимчалар киритилган.

– Божхона кодексининг янги таҳрири соҳага оид қонуности хужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, сифатини ошириш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончли механизmlарни яратиш, божхона маймурчилигининг барча босқичлари ва дараҷаларида норма ҳамда ташкилий-хукуқий механизmlарнинг бир хилда кўлланилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Хукуқий бошқармаси бошлиғи Абдугофур Курбонов. – Шу билан бир-

га, унда божхона тизимида самарали божхона назоратини ташкил этиш, ташки савдо операциялари ривожланишини рафбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчilarни химоя қилиш ва қўллаб-кувватлаш, ташки иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига юқори дараҷада кулагилар яратиш ҳам кўзда тутилган.

Янги таҳрирдаги кодекс 12 бўлим, 59 боб ва 412 та моддадан ташкил топган бўлиб, унда, энг аввало, божхона фаолиятига доир 31 та (амалдаги кодексда – 16 та) тушунчалар аниқ тарзда ифодалаб берилган. Шунингдек, кодексда божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини аниқ божхона режимида расмийлаштириш қоидалари тартибга солинган бўлиб, 16 турдаги (амалдаги кодексда – 15 та) божхона режимлари, уларни кўллаш ва тутгатиш шартлари ҳамда тартиблари батафсил ёритилган.

Янгича ёндашув божхона бошқа-

рувининг консерватив соҳаси ҳисобланган божхона назоратидан ҳам кўзда тутилган. Божхона идораларининг маъмурий ресурслари (имкониятлари) энди танлов принципидан келиб чиқиб, божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга етарли бўлган божхона назоратининг тегишли шакллари билан чекланилади. Кодекснинг янги таҳрири маълумотлар олиш, божхона кўздан кечириш, товарлар махсус белгилар билан маркаланганигина текшириш, товарлар чиқарилгандан кейинги божхона назорати, божхона кузатуви каби божхона назоратининг 5 та янги шакллари билан тўлдирилди.

Муҳими, бу ўзгаришлар ташки иқтисодий фаолият катнашчилари-нинг хукуқларини чекламайди. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали харакатланаётган товарларни самарали божхона назоратидан ўтказиш ҳамда уларнинг божхона расмийлаштируви муддатларини қисқартириш имконини беради.

Кодексда, шунингдек, божхона тўловларини тўлаш тартиби, шакли ва муддатлари батафсил ёритилган. Унга ташки иқтисодий фаолият катнашчисининг хоҳишига кўра тасаруф этиладиган келгуси божхона тўловларини тўлаш учун пул маблағлари тушунчаси ҳам киритилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу сайдовлар билан мамлакатимизда 2014 йил декабрь ойида бошланган давлат органларини демократик тарзда шакллантиришнинг конституциявий жараёни ниҳоясига етиб, Олий Мажлиснинг Конунчиллик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайланди. Баш вазир ва ҳукумат аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва Олий суди таркиблари тасдикланди.

Давлатимиз раҳбарни янги чакирикдаги парламентнинг қўшма мажлисида таъкидланади, конституциявий ислохотлардан келиб чиқсан ҳолда, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан, қабул қилинаётган Конунлар, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг энг муҳим давлат дастурлари сўзсиз ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталарининг ва, биринчи навбатда, фракциялар ва депутатлар гурухларининг ишлари сифат жиҳатидан янгича асосда ташкил этилиши керак.

Шундан келиб чиқиб, инсон ҳукуқлари тўғрисидаги миллӣ Конун ҳужжатларини таомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ҳамда давлат органлари вакилларининг ҳукуқий онги ва хабардорлигини ошириш, инсон ҳукуқлари ва эркинларини ҳимоялаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик қилиш ҳисобот йилида Омбудсман фаолиятининг асосий ўналишларини ташкил этди.

Шу билан бирга, Омбудсман ўз фаолиятини Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўмиталари, суд ва

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорликда олиб борди. Қолаверса, Омбудсман парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этди. Очиқлик ва шаффоффликни таъминлашда иштирок этиш, амнистия акти қўлланилишини мониторинг қилиш Омбудсман ва унинг ҳудудий вакиллари фаолиятида алоҳида ўрин тутди.

Омбудсманинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳукуқларини тиклаш бўйича фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари нормаларига қатъий мувофиқида амалга оширилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта, шунингдек, “ишонч телефони” орқали, шахсан қабул қилиш ва жойлардаги учрашувлар давомида мурожаат этдилар.

Омбудсман ҳисоботи якунида ўз фикрини билдирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўмакка муҳтоҳ бўлган аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишини ўзларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашларини билдириллар.

Бу борада ўтган даврда фуқаролар ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим демокра-

тик институтга айланган Инсон ҳукуқлари бўйича вакилнинг фаолияти долзарб аҳамият касб этади. Фуқароларнинг конституциявий ҳукуқлари, эркинларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қартилди.

Инсон ҳукуқлари бўйича вакил ва унинг ҳудудий вакиллари номига келиб тушган фуқароларнинг мурожаатлари таҳлили ҳам чуқур ўрганилди. Фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинларини таъминлаш устидан таъсиричан назоратни амалга ошириш, уларнинг бузилиши эҳтимоли сабабларини аниqlаш бўйича яқин ҳамкорлик қилиш депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларининг келгусидаги қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Хуласа ўрнида шуни айтиш мумкинки, 2015 йил Ўзбекистоннинг ривожланиш тарихида ёрқин из қолдириди. Жамиятнинг сиёсий, иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳаётида амалга оширилган янгиланиш ва ислохотлар мамлакатимиз тараққиётни, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида дадил қадам бўлди. Шунингдек, ҳисобот иили давомида фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинларини ҳимояни самарали амалга оширишга қаратилган Конунлар ҳамда норматив-ҳукуқий ҳужжатлар, давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар хам қабул қилинди.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Конунчиллик
палатаси депутати.

АКАДЕМИК САИД ШЕРМУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори Сайд Шермуҳамедов 2016 йил 16 февраль куни 86 ёшида вафот этди.

С.Шермуҳамедов 1930 йил 12 майда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида туғилди. 1948-1953 йillardа Самарқанд давлат университетида таълим олди. Ўқиши тугатиб, ушбу университет аспирантурасида таҳсилни давом эттириди. Фалсафа фанининг долзарб масалалари бўйича 1960 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргалиқда олиб борган таникли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳукуқ институти илмий ходими, илмий котиби, директор ўринбосари, республика маориф вазири, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудири каби масъулитли лавозимларда самарали хизмат қилди ва юртимизда фалсафа фанига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида фоллик кўрсатди.

С.Шермуҳамедовнинг фалсафа фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган монографиялари, кўплаб рисола ва мақолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг раҳбарлигига ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Сайд Шермуҳамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ,
Н.ИСМОИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ,
Ш.СОЛИҲОВ, Ш.СИРОЖИДДИНОВ**



БОЖХОНА КОДЕКСИ ЯНГИ ТАҲРИРДА

(Боши 1-саҳифада)

Унинг ёрдамида божхона тўловларининг тўланиши ҳамда давлат бюджетига ўтказиш расмиятиларни соддалаштирилиб, ушбу жараёнга сарфланадиган вақт янада қисқаради.

Бундан ташкиари, кодексга божхона тўловларини тўлашнинг янги шакллари, шу жумладан, “божхона тўловлари тўлашни мажбуриятини суғурталаш” ва “учинчи шахснинг кафиллиги” тушунчалари ҳам киритилди. Бу эса ташкии иктиносий фаолият қатнашисига ўз хошишига кўра, божхона тўловларини тўлашнинг 5 та (амалдаги кодексда – 3 та) шаклидан бирини танлаш имконини беради.

Ягона аҳборот маконини шакллантиришнинг умумжаҳон тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Божхона кодексида соҳага доир фаолиятда аҳборот-коммуникация технологияларини кенг кўллаш, уларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳусусан, ҳужжатлар айлануви тизимини ўрнатишда божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатлар электрон кўринишда тақдим этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда товарларни божхонада электрон тарзда декларациялаш имкони 2013 йилда яратилган эди. Ўша йили ташкии иктиносий фаолият иштирокчилари томонидан 39,2 фоиз божхона декларациялари электрон шаклда тақдим этилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 99 фоиздан ошди. Эътиборлиси, мазкур электрон деклара-



циялаш ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш имкониятлари божхона назорати тартиботини сезиларли равишда соддалаштириб, жадаллаштироқда.

Янги таҳрирдаги кодексга тадбиркорлик субъектларига янада қулагайлик яратиш, уларнинг ҳужжатларни давлат органларига тақдим килиш билан боғлиқ оворагарчилигини камайтириш мақсадида “бир дарча” тамоили механизми ҳам киритилган. Божхона органларининг ташкии иктиносий фаолият қатнашиларига мавзумотларни тақдим қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш бўйича мажбуриятлари батафсил ёритилган.

Амалдаги қонунчилиқда интеллектуал мулк объектларини олиб кириш ёки олиб чиқишга бўлган тақиқни тартиба солувчи қоиди мавжуд эмас эди. Шунинг учун божхона органларига контрафакт товар-

ларни ушлаш имконини берадиган, улар батафсил баён этилган таомиллар зарур ҳисобланарди.

Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Божхона кодексида муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлак ҳукуқ эгасининг, таварнинг келиб чиқиши жойи номидан фойдаланиш ҳукуқи эгасининг ҳимояси билан боғлиқ бўлган янги тартиб ҳам киритилган. Унга кўра, агар божхона расмийлаштируви ҳамда назоратини амалга оширишда ҳукуқ эгаси томонидан контрафакт деб кўрсатилган товарлар аниқланса, ҳукуқ эгасига ўз ҳукуқларини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибида ҳимоя қилиш имкониятларидан фойдала-



нишга шароит яратиш учун бундай товарларнинг чиқарилиши тўхтатиб турилади.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўми-таси томонидан Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган матбуот анхуманида шулар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мұхбири.**

СОГЛОМ АВЛОД МАСЪУЛИЯТИ ШИФОКОРЛАРНИ ЯНАДА ФАОЛРОҚ ВА ЎЗ КАСБИННИГ ФИДОЙИСИ БЎЛИШГА ҮНДАМОҚДА

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши оиласаримизни, шунинг баробарида жамиятимизни мустаҳкамловчи, фарзандлар қалбини эзгулик нури билан мунаввар қўлувчи оналаримизни янада кадрлаш, эртамиз эгаларини соғлом, бакувват, ақл-идрокли қилиб тарбиялашда яна бир муҳим қадам бўлди. Аввало, соғлом она ва соғлом бола тушунчалари бир-бири билан ҳамоҳанг туради. Чунки, соғлом наслни фақатгина соғлом она вужудга келтиради. Оиласарлардаги ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишишларида бекиёс аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида оналар соғлигини муҳофаза қилиши ва баркамол авлодни тарбиялаш оналини ба болалини химоя қилиши давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Миллат генофондини яхшилаш, кишиларимиз турмуш фаровонлигини ошириш ишлари юкори поғонага кўтарилиди. Буларнинг барчаси аҳолининг ўртача ёшиузайиши, фарзандларимиз камолотида яққол кўзга ташланмоқда.

Бу борада Богоф тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Сўзимизнинг аввалида шуни айтишини истардимки, туманимиз аҳолиси қишлоқ ҳужалиги экинларидан юкори ҳосил олиш, саноатни ривожлантириш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан бирга санъат ва спорт соҳасида ҳам катта ютукларга эришиб, юрт равнақига ўз хиссаларини қўшиб кельмоқдалар. Буларнинг замерида аҳолининг тинч, соғлом, тўқ ва фаровон ҳаёт кечириши, ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишишлари учун яратилаётган шароитлар ётади. Истиқлолнинг илк йилларида Юртбошимиз раҳбарлигига аҳоли соғлиги ҳақида қайгуриш, айниқса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Бу соҳада зарур ҳуқуқий базани тақомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оналини ва болаликни химоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида аёлларимизнинг репродуктив саломатлиги яхшиланаб, соғлом гўдакларнинг дунёга келиши таъминланмоқда.

Бугунги кунда тумандаги тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 265 нафар олий, 1375 нафар маҳсус ўрта маълумотли шифокорларимиз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жонкуярлик билан хизмат қилиб кельмоқда.

Айни пайтда туманимизда 152 минг нафардан ошик киши истиқомат қиласди. Уларнинг 4353 нафарини 14 ёшгача бўлган болалар, 8890 нафарини ўсмирлар, 10 минг нафардан ошигини катталар, 41754 нафарини туғуруқ ёшидаги аёллар ташкил қиласди. Уларга тиббиёт хизмат кўрсатишни замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида янги, замонавий шифо масканлари, даволаш муассасалари курilmоқда, капитал таъмирланмоқда. Яна бир куонарли томони, барча тиббиёт муассасалари сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш ишларини яхшилаш омили бўлмоқда.

Президентимизнинг 2014 йилдаги “2014-2018 йилларда Республикада аҳоли репродуктив саломатлиги яхшиланаб, соғлом гўдакларнинг дунёга келиши таъминланмоқда.



тив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш. Давлат Дастури тўғрисида “тиббиёт муассасаларимиз моддий – техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассислар маълакасини ошириш, замонавий ташхис усуулларини кенг жорий этиши, аёллар, болалар ва ўсмирлар ўртасида учраб турдиган касалликларининг олиш бўйича белгиланган дастур асосида кенг кўламли ишларни амалга оширилмоқдамиз.

Жумладан, бирлашмамиз фаолиятида биринчи галда шошилинч тиббиёт ёрдам кўрсатиш тизими ва аҳоли яашаш пункtlарига яқин жойларда бирламчи амбулатор тиббиёт ёрдам кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари яратилди. Улар “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2”, “Саломатлик-3” лойиҳалари асосида энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Туман аҳолисига тиббиёт хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Марказий шифо-

хона, кўп тармоқли марказий поликлиника, тиш даволаш поликлиникаси, 18 та ҚВП, ДСЭНМ, Саломатлик маркази фаолият кўрсатмоқда. Стационар шифо ўринлари сони 330 та бўлиб, ҳар минг аҳолига нисбатан кўрсаткич 2,2 ни ташкил қилмоқда. Мавжуд шифо ўринларидан самарали фойдаланиш мақсадида тизимли ишларни ташкил этганимиз. Шифо ўринларининг 85 таси тугуруқ мажмуасида, 20 таси хўжалик хисобидаги реабилитация бўлимида, 245 таси Марказий шифохона бўлилмарида фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда Марказий шифохонамиз биносида давлат Инвестиция Дастури бўйича 8,5 миллиард сўмлик таъмилаш ишлари амалга оширилди.

2013 йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида Марказий шифохонага 70,5 миллион сўмлик замонавий бошқа тиббиёт усууллар келтирилган бўлса, 2014 йилда мазкур лойиҳа бўйича 340 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлар билан таъминланди. Даволаш ва

ташхис хоналаримиз Япониянинг “Shimadzu Corporation” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий рентген аппаратлари, 2 датчикли УТТ аппарати, ЭКГ ва бошқа аппаратлар билан жиҳозланди.

Кейинги 3 йил давомида тумандаги “Атоб”, “Наврӯз”, “Ғалаба”, “Қизилравот”, “Оғаҳий” ҚВПлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан таъмиrlаниб, замонавий ташхис усуулларни билишни таъминланмоқда. Шунингдек, бирлашмамизнинг тез тиббиёт ёрдам бўлими ҳам янги бинода фаолият кўрсата бошлади.

Давлатимиз томонидан инсонлар саломатлигини яхшилаш, қалликларнинг олдини олиш ва даволаш жараёнларига илм-фан ютуқларни жорий этишдек ҳаркетлар, интилишлар замерида миллат генофондини асраш, ҳар томонлама етук авлодни вояга етказишдек улуғвор мақсадлар ётади. Буни чуқур ҳис қилган ботолик тиббиёт ходимлари шифокорлик қасамёдига содик бўлишига, бу йўлда Фидойи меҳнат килишга интилмоқдалар. Устоз шифокор, жарроҳлик соҳасида ўзига хос мактаб яратган Нурула ака Бекчонов II даражали “Соғлом авлод учун” ва “Меҳнат шуҳрати”, болалар шифокори Раҳима Нурметоваларни “Меҳнат шуҳрати” орденлари, Дехқонобод ҚВП лаборантни Отаназар Курбоновнинг “Соғликини сақлаш аълочиси” нишонлари билан тақдирланиши туманимиз шифокорлари меҳнати Юртбошимиз томонидан эътироф этилганинг белгисидир.

Туман шифокорлари Соғлом она ва бола йили масъулиятини янада чукурроқ англаб фаолиятини давом эттироф этилмоқдалар.

Акмал ИСКАНДАРОВ,
Богоф тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ЖАМОАТ ФОНДИ «ОАВЛАРНИГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИННИГ
БОРИШИНИ ЁРИТИШГА, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИКЛИГИНИ ТАЪМИЛАНЛАШГА
БОШҚА ИНСТИТУЛЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРИГА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ
АЖРАТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. “Соғлом она ва бола йили” давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, оиласи, оналини ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини химоя қилиш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини ошириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятни очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган маҳсус телекўрсатувлар ва радио эшитиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.

2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, “Соғлом она ва бола йили” давлат дастурини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишида ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштироқини ёритиши.

3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган тутатишларнинг мазмун-моҳиятни ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг

хукуклари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан ахолининг, фуқаролик жамияти институтларини хабардорлигини ва кенг фойдаланишини таъминлаш.

5. “Соғлом она ва бола йили” давлат дастурини ўз вақтида ва сифатли ижро этиши, оила, оналини ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этишидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

6. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманистар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли катламларининг ҳукуклари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жойлардаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши ОАВДа кенг ёритилишини таъминлаш.

7. Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадрийларни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлароро ва динлароро тутувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, ижтимоий масалалар

ни ҳал этишида намунали маҳаллаларнинг иш тажрибасини оммалаштириш.

8. Ҳудудий ОАВларда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича сиёсий партияларнинг нуқтаи назарини очиб берадиган, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг, ҳалқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуррухларининг фаолияти ҳақида хабардор ётадиган таҳлилий материаллар тайёрлаш.

9. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ҳамда “Электрон ҳукumat тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, ҳойларда ушбу қонунлар нормалари амалга оширилишининг бориши, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

Давлат гранти ажратилиши учун куйидаги ҳуҷҷатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва мур билин тасдиқланган кузатуви хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundgo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчаларни би-

лан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганинг тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.

6. Манбаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтиносномалари илова қилинини мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 млн. сўмгача.

Ҳуҷҷатлар 2016 йил 10 февралдан 10 марта гача қабул қилинади.

Ҳуҷҷатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондни” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳланган конвертларда (A4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-й.

Ҳуҷҷатларни тақдим этиш шартлари ва ҳуҷҷатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundgo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.



ТОМОРҚАДА ҚҰЗИҚОРИН

Құзикоринлар үзига хос таъми ва ифори билан бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Пархезшунослар уни “үрмөн гүшти” ҳам дейишади, чунки у ҳақиқатдан ҳам жуда тез очлик ҳиссини йўқотади. Ҳалқ табобатида құзикорин бир қанча касалликларни даволашда қўлланади.

Тадбиркорликнинг қирралари кўп, турлари ранг-баранг, имкониятлари эса бисёр. Ишбилармонлик инсонни фаровон ва бахтли ҳаётга етаклайди. Бу соҳага киришган киши нафақат ўзининг, оиласининг фаровонлигини таъминлади, балки элу юрт маъмурчилигига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ўрта Чирчик тумани Корасув маҳалласида яшовчи Абдусаттор Хидиров тадбиркорлик ортидан турмуши фаровонлигини ошириб келаётган юртошларимиздан. У ҳовлисининг 1,8 сотих майдонида тансик неъмат – құзикорин этишириб, ундан мўл хосил олаёттир.

Тадбиркор мана икки йилдирки, мўтадил иклимда ўсувчи шампиньонлар оиласига мансуб “Вешенка” навли құзикорин парваришилаб келмоқда. Ўтган даврда у ушбу ўсимликнинг ривожланиши бўйича билим ва тажрибасини ошириди.

– Одатда бу навли құзикоринлар бир ойда тайёр маҳсулот сифатида етишиб, истемолга яроқли бўлади, – дейди Абдусаттор ака. – Ундан шўрва, тузламалар, турли салатлар ҳамда бошқа таомлар тайёрлаш мумкин. Құзикориннинг энг асосий устунлиги у оқсилининг конидир. Бу модда құзикоринда тухумдан 2 марта, гўштдан 3 баробар қўпdir. Фосфор ва кальций эса худди балиқдагидек микдорда бўлади. Айни дамда у паст калорияли маҳсулот бўлиб, озигина есангиз, дарров тўйиб қоласиз. Пархезшунослар унинг бу жиҳатидан фойдаланиб, таомномага қўшиши тавсия этишади.

Ушбу ўсимликнинг саломатликка фойдаси катта. Бу неъмат таркибида темир, калий, кальций, йод ҳамда бош-

қа элементлар мавжудлиги боис иммунитетни оширади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ўсимлик жуда витаминларга бой хисобланади. Унинг 100 граммида 3,3 гр. оқсили, 0,4 гр. ёғ ва 4,2 гр. углеводлар ҳамда 88,8 гр. сув бўлиб, куввати 38 кални ташкил этади. У оқсили ва углеводлари билан сабзавотларга, витаминлари билан эса мол гўстига тенглаша олади. Шунингдек, унинг таркибида В, С, Е, Д2 ва бошқа витаминлар мавжудлиги боис организмдаги холестерин міқдорининг камайишига ҳам хизмат қиласи. Сирасини айтганда, ушбу ўсимлик инсон организми учун жуда фойдалидир.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Құзикоринлар хом сабзавотлар (бодринг, карам, помидор) билан келиша олмайди, бундай аралашма ошқозон бузилиши ва дам бўлишга олиб келади. Шу боис, уни фақаттинг пишган сабзавотлар билан бирга истемол қилиш керак. У етарли даражада оғир таом ҳисоблангани учун ёш болалар ва қарияларда ҳазм қилишда қийинчиллик түғдиради.

Тадбиркор бу маҳсулот ҳақида кўп нарсаларни билади ва яна ўрганишдан чарчамайди.

– Абдусаттор ака пенсияда бўлишига қарамасдан тиниб-тинчимайди, – дейди маҳалла раиси Гулнора Абдурахимова. – Турмуш ўртоги Шахло опа билан 4 фарзандни тарбиялаб, ҳалол меҳнатлари эвазига олий ўкув юртларида ўқитди. Уларнинг фарзандлари ҳам ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, Ватанимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади, албатта.

Дарҳақиқат, ишбилармон инсоннинг кўллари мўъжиза яратади. Бу фаровон ҳаёт ва элга тегаётган нафдир.

**Хуршид ФАЙЗУЛЛАЕВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат.**



БАЛИҚЧИЛИК

ҲАЗВЗАДАГИ «ҲАЗИНА»

Қарши шаҳрида балиқчилик ҳўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга багишлиланган семинар ўтказилди. Тадбирда ушбу тармоққа дахлдор мутасадди ташкилот, муассаса ҳамда балиқчиликка ихтинослашган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, айни пайтда Кашқадарё вилоятида 243 та балиқчилик ҳўжалиги мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтган йилда қарийб 3,5 минг тонна балиқ маҳсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Вилоятда ушбу тармоқни янада равнақ топтириш максадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Балиқчиликка ихтинослашган корхона ва ташкилотларни молиявий кўллаб-куватлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. Хусусан, уларнинг хисобрақамлари “Ипотека банк”ка ўтказилди. Шунингдек, 80 дан зиёд лойиҳани амалиётга татбиқ этишда банкнинг замонавий, тезкор хизматларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга ошириш



